АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ОЛИБ КЕЛИШИ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада нақд хорижий валюта муомаласининг амалдаги тартибини такомиллаштириш ва ташқи алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида:

1. 1998 йил 1 апрелдан бошлаб республикадан ташқарига нақд хорижий валюта олиб чиқиб кетишнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

резидентларга — 1500 АҚШ долларига тенг миқдорда;

норезидентларга — божхонага тақдим этилган декларацияга мувофиқ республикага келтирилган валюта миқдорида.

Кўрсатилган миқдордан ортиқча нақд хорижий валютани олиб кетишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки хорижий валюта билан операцияларни ўтказишга асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларнинг рухсати билан йўл қўйилади.

2. Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларига 1998 йил 1 апрелдан бошлаб белгиланган тартибда божхона декларацияларини тўлдириш шарти билан 10 минг АҚШ долларига тенг миқдорда нақд хорижий валютани республикага эркин олиб келишига рухсат этилсин.

Нақд хорижий валюта белгиланган миқдордан ортиқ олиб келинган тақдирда унинг 10 минг АҚШ долларидан зиёд қисмидан 1 фоиз миқдорида бож тўлови олинади.

3. Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюта билан операция ўтказишга асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларига жисмоний шахсларга ҳисоб рақамлари ва омонатга қўйилган нақд хорижий валютасини олган тақдирда, шунингдек, хизмат сафари харажатлари учун республикадан хорижий валютани олиб кетиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни беришга рухсат этилсин.

4. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига махсус кассалар очиб, Ўзбекистон Республикаси норезидентларига халқаро йўловчиларни ташишга эркин алмаштириладиган валютага билет сотиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан биргаликда авиация транспортида республика ҳудуди орқали ўтадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун божхона декларациясига мувофиқ, қўшимча ҳужжат ва маълумотномалар талаб қилмай, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда нақд хорижий валютани олиб келиш ва олиб кетиш устидан назоратнинг соддалаштирилган тартибини ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 октябрдаги «Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди бекор қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги амалдаги идоравий меъёрий ҳужжат ва йўриқномаларни уч кун муддатда ушбу Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Ў. Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 20 март.

АССАЛОМ, ЙИЛБОШИ!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 21 март, шанба • № 35 (22.272).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Арманистонда навбатдан ташқари ўтказилган Президент сайловининг биринчи босқичи якунлари эълон қилинди. Марказий сайлов комиссияси маълумотига қараганда, биринчи босқичда Бош вазир Роберт Кочарянга 38,82 фоиз, собиқ совет даврида Арманистонга раҳбарлик қилган Карен Демирчянга эса 30,62 фоиз сайловчи овоз берган. Шундай қилиб сайловнинг шу йил 30 март куни ўтказиладиган иккинчи босқичида фақат ана шу икки номзод иштирок этади.

***

Ироқ билан Эрон ҳукумати ўртасида ҳарбий асирларни алмаштириш тўғрисидаги битим имзоланди. Маълумки, 1980-88 йиллар мобайнида икки мамлакат ўртасида бўлган уруш натижасида ҳар икки томон ҳам минглаб ҳарбийларни асир олган эди.

Имзоланган ҳужжатга мувофиқ, Эрон томони Ироққа 15 минг нафарга яқин ҳарбий асирни қайтариб бериши керак. Ироқ эса бир неча минг эронлик ҳарбийни озод қилади.

***

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Жануби-Шарқий Осиёда юз берган молиявий танглик оқибатларини бартараф этиш мақсадида Индонезия ва Таиланд давлатларининг ҳар бирига бир миллиард АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатди. Маълумки ушбу давлатлар минтақада юзага келган молиявий инқироздан энг кўп зарар кўрган. Хитой Бош вазири ўринбосари Ли Данциннинг таъкидлашича, минтақада молиявий инқироз рўй берганига қарамай, Хитой иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётир.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

***

АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Конго Президенти Лоран-Дезире Кабиланинг мамлакатда ўрнатган сиёсий режимини танқид қилди. М. Олбрайтнинг таъкидлашича, АҚШ маъмурияти Кабила ҳокимият тепасига келгач мамлакатдаги порахўрлик ва инсон ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига чек қўяди, деб умид қилган эди. Бироқ, Президент Кабила ўз мухолифларини шафқатсизларча маҳв этаётир. Бу АҚШ маъмуриятининг Конго ҳукуматига нисбатан сиёсатини қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилмоқда.

***

Болгариялик ихтирочи Йордан Колев яратган «Интеграл двигатель» автомобилсозликда ўзига хос янгилик бўлди.

Колев яратган двигатель тежамкор, енгил, қарийб шовқинсиз ва атроф-муҳитга зарар етказмай ишлар экан. Мазкур двигателнинг ўзига хос томони шундаки, у ёқилғи билан эмас, балки буғ билан ҳаракатланади. Колевнинг таъкидлашича, бундай двигатель билан жиҳозланган автомобиль 100 километр масофага бор-йўғи 2-3 литр ёқилғи сарфлайди.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакат сенатига мурожаат қилиб, НАТОга янги уч мамлакат қабул қилинганидан сўнг ҳам мазкур алянснинг кенгайиш жараёни тўхтаб қолишига йўл қўймаслик зарурлигини таъкидлади.

Хабарларга қараганда, НАТОнинг янги аъзолари — Польша, Венгрия ҳамда Чехияни алянсга қабул қилиш тўғрисидаги протоколларни тасдиқлаш масаласи шу ҳафта охири ёки келаси ҳафта бошида сенатда овозга қўйилади.

***

АҚШ Президенти Клинтон Оқ уйда Иордания қироли Ҳусайн билан ёпиқ эшиклар ҳолатида учрашув ўтказди.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни шакллантириш, мулкий пайлар ва оилавий пудрат тизимини жорий этиш асосида қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, рақобатбардош қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида «1998 — 2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон қабул қилди.

* * *

Тошкентда Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг мажлиси бўлди. Унда юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 февралдаги мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган республика солиқ органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

* * *

Бир неча кундан кейин юртимизда яна бир йирик саноат корхонаси — Қизилқум фосфорит комбинати маҳсулот бера бошлайди. Кўкпатас чўли бағрида қад ростлаган ушбу иншоотнинг ишга туширилишини бутун мамлакат орзиқиб кутмоқда. Негаки, у республикамиздаги барча суперфосфат заводларига хомашё етказиб беради, пировардида эса, аграр сектор фосфорли ўғитлар билан тўлиқ таъминланади.

* * *

Тошкент Давлат техника университети қошидаги махсус гимназияда Наврўз тантаналари «Балли, қизлар», «Балли, йигитлар», «Наврўз дастурхони» каби баҳс ва кўрикларга уланиб кетди. Тадбирларни шод-хуррам ўтказишда гимназия директори Гинара Знётдинова, ўқув ишлари бўйича директор муовини Рустам Тувалов, муаллима Феруза Курбоноваларнинг хизматлари катта бўлди.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

ХУШ КЕЛДИНГ

Ташрифинг муборак,
Муборак Наврўз!
Озод Ватанимга сафо келибсан!
Пойингда тароват,
Дастингда ризқ-рўз,
Кўксингда муҳаббат, вафо келибсан!

Оламдан қаҳратон қаҳрини қувиб,
Хуш келдинг, ҳаётбахш ҳарорат мисол.
Заминдан қаттиқ қиш заҳрини ювиб,
Юз очдинг мафтунлар малоҳат мисол.

Бойчечак кўтарди мурғак бошини,
Тоғлар севинчидан оқди шалола.
Байроқдай кўтариб ўз бардошини
Қадамларинг қутлаб очилди лола.

Боғлар ҳам келинлик либосни кийди,
Баракадан дарак бодом гуллари.
Она тупроқ ийди,
Табиат ийди,
Тошни ҳам уйғотди ҳамал еллари.

Борлиқда ёшариш, тозариш, гуллаш,
Қишнинг қабоҳатли тахти ҳам қулар.
Мен табиат билан тиллашсам дилкаш,
Қалбимда ниш урар азал орзулар.

Эй, сен, оламларни уйғоттан Наврўз,
Эй, поклик ва ҳиммат, гўзаллик рамзи.

Мусаффо дилларга бўлгину ҳамроз,
Кўнгилларда қургил тозариш базмин.

Сеҳринг билан эрит сен дилларни ҳам,
Сўқир юракларга зиё бўлиб кир.
Ахир одам учун ғанимат одам...
Сохта кимсаларда уйғотгин меҳр.

Инсоф бер, қўшниси ўтқазган ниҳол
Барқ урса ҳасаддан ёнгучи зотта.
Ўзгалар бахтидан ўз бахти мисол
Қувонганлар оро бергай ҳаётта.

Имонин нафсига қурбон қилганлар
Кўнглига диёнат тухмини сочгил.
Боғрини номард дўст тиғи тилганлар
Кўксида умидлар чечагин очгил.

Чиркин ниятларда сақланиб қолган
Ёвузлик, риёни тиққил қабрига.
Истиқлол авлоди етар камолга,
Поклик бўлиб жойлан улар қалбига.

Уйдан бошланади Ватан тилаги,
Осойиш бўлиб кир ҳар хонадонга.
Яратиш шукуҳи, ижод севинчин,
Мангу жо айлагил Ўзбекистонга!

Ташрифинг муборак,
Муборак Наврўз!

Ҳабиб САЪДУЛЛА



Орзуларинг оппоқ гуллайверсин, Ватан!

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ЭЗГУ ИШГА ҚЎЛ УРГАНЛАР

Маълумки, маънавий камолот мустақил жамият тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Қадриятларни, тарихни билмай туриб, ҳар томонлама мукаммал билимга эга бўлмай туриб камолотга эришиш қийин. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу соҳада ҳам оламшумул ишлар амалга оширилгани, оширилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Маърифатпарварлик эса ҳар доим хайрли саналган. Бундай эзгу ишга тадбиркорлар, сармоядорларнинг ҳам ҳисса қўшмоқлари янада таҳсинга лойиқ. Сурхондарё вилояти Денов шаҳрида истиқомат қилувчи тадбиркорлар Баҳодир Исаев ва Нарзулло Саидовларнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари, бевосита моддий ёрдамлари билан яқинда мазкур шаҳарнинг қоқ марказида «Сирожиддин Саййид» китоб дўкони қурилиши ниҳоясига етказилди. Қурилишни туман сув хўжалиги бошқармасига қарашли Жаббор ака Олтибоев бошлиқ қурилиш-монтаж ташкилоти амалга оширди.

Бир ой ичида ушбу зиё дўконида икки мингдан зиёд китоб сотувга қўйилади. Тарихимиз, маданиятимизга оид адабиётлар, ўзбек шоир-ёзувчилари, Сурхондарё адиблари асарлари, дарсликлар дўкон пештахталаридан ўрин олади. Шунингдек, мустақил Ватанимизнинг тимсолларини, рамзларини ўзида ифода этган плакатлар, суратлар, фотоальбомлар, кўргазмали қуроллар, газета ва журналлар, қалам ва дафтарлар учун ҳам дўконда алоҳида бўлим очилади.

— Китоб дўконини шоир номи билан атаганимизнинг ҳам рамзий маъноси бор, — дейди Б. Исаев. — Шоирлар маърифатпарвар, маънавият фидойилари бўладилар. Бизнинг мақсадимиз ҳам айнан шу. Одамлар керакли китобларни бизнинг дўконимиздан топишса, кўнгиллари кўтарилса, биз ҳам хурсандмиз. Китоб ўқиш, билим олиш эса ҳеч қачон ҳеч кимга зиён келтирган эмас.

Содиқ СУЛТОН

«ТЕННИС+» — ЯНГИ ГАЗЕТА

Наврўз айёми арафасида теннис ишқибозлари ажойиб совғали бўлишди. Юртимизда кичик тўп ошуфталарининг сафи тобора кенгайиб бораётгани сир эмас. Теннисчиларимиз халқаро нуфузли мусобақаларда қувонарли ютуқларга эришиб, Ватанимиз шуҳратини оширишга хизмат қилмоқдалар. Мустақиллик йилларида теннис билан шуғулланиш учун халқаро андозаларга мос шарт-шароитлар яратилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Пойтахтимиз ва вилоят марказларида қизиқарли мусобақалар ташкил этилаётганидан мухлислар мамнуният ҳосил қилмоқдалар.

Ана шундай эътироф этса арзигулик воқеаларни қамраб олиш, ўқувчиларга етказиш, қолаверса, теннисни ҳар томонлама тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги нашр — «Теннис+» ҳафтаномасининг нишона сони муштарийлар қўлига етиб боргани ҳам спортнинг мазкур турига алоҳида эътибор қилинаётганини кўрсатади. Ҳафтаномада босилган «Теннис+» нимани англатади» сарлавҳали лавҳада янги нашр олдига қўйилган вазифа ва ниятлар баён этилган. Бундан буён бу ҳафтаномада теннисни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли ёшларнинг камол топиши йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, йирик халқаро мусобақалар ҳақидаги хабарлар кенг ва малакали ёритиб борилади. Газета номидаги «+» ишораси эса муштарийларни фақат кичик тўп билан боғлиқ воқеалардан бохабар қилибгина қолмай, катта спорт оламидаги янгиликлар ҳақида ҳам рангбаранг ахборотлар бериб борилишини англатади. Ҳафтанома ҳозирча саккиз саҳифадан иборат бўлиб, унга Ўзбекистон теннис федерацияси, республика теннисни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш жамғармаси муассислик қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, янги ҳафтанома ҳам юртимизда соғлом авлодни камол топтиришга хизмат қилади.

Jennis+

1 - сон • 1998 йил 20 март жума • Баҳоси шартнома асосида

ҚУТЛУҒ КУН

ҲАЙРАТ УЧҚУНЛАРИ

Йилбоши — кун ила тун тенглашган кези кўнгилдан эзгу ўйлар ўтаверади. Назаримда, шу дамда ўтган умрга назар ташлаб, ўз-ўзимга сарҳисоб бераётгандек бўламан. «Орттирганим», дўстларим ҳақида ўйлайман. Дўстларим кўп. Фақат кўнглимнинг дўсти унчалар кўп эмасдек. Ўйланиб қоламан. Тўғри, яқинларим бисёр. Лекин ўйлантирадигани — «ўзим кимга ҳақиқий дўстлик қилолдим?» деган савол қийнаб қўяди-да.

Катта бойлигим — болалик хотираларим. Яхши эслайман, 7-синфда ўқирдик. Айни баҳор. Наврўз яқинлашарди. Синф раҳбаримиз Зуҳра опа Юнусова «Бугун иншо ёзамиз», дедилар. Бутун синф жимиб қолдик. «Ахир Зуҳра опа физикс, астраномия муаллими-ку?» деган хаёлга бордик баримиз. У киши бизга бир-бир қараб чиқдилар-да, жимгина сабоқ тахтага ўгирилдилар. Сўнг: «Наврўз анъаналари» деб ёздилар. Баттар ҳайратимиз ошди. Кейин яна: «Кун ила тун тенглашганда» деб битди. «Мана, сизларга икки мавзу, истаганингизни ёзинг», деб негадир, ташқарига 15-20 дақиқага чиқиб кетди. Биз шивир-шивирга тушдик. Билганимизча ёздик. Аксариятимиз сумалак ҳақида ёзгандик. «Эртага — Наврўз. Дарсдан сўнг, кечқурун 7 да қўл бўйига борамиз», деганда биз «Урра!» дея чувиллашдик.

У пайтлар Наврўзни бу қадар кенг байрам қилолмасдик. Боргачгина, биз ўша тунда тун билан кун тенглашишининг илмий асосларини билдик. Яна ўша тунда бизга муаллимамиз қандайдир «эскича» китобдан «Наврўз анъаналари» ҳақида ўқиб берди. Ҳали-ҳали қулоғим остида ўшанда эшитганим ривоят қайта ўқилаётгандек бўлаверади. Сал наридаги болалар стимхонасидаги ўқувчилар «Пусть всегда будет солнце»ни айтишар, аллақаердан маст-аластлар гармон чалишиб, қийқиришгани ҳалиям эсимда.

Ривоят қилишларича, бир қишлоқда яшовчи икки одам азалдан тез-тез жанжаллашиб туришаркан. Айни баҳор паллада, яна одатдагидек, улар икки кетмонлик ерни талашиб, хафалашиб қолишибди. Бири иккинчисига «Ҳеч қачон биринг икки бўлмасин, ол шу ерни» деб бурилиб кетибди. «Йўқ, сенга бердим, ол, нокас, янаги йилнинг шу кунигача уйинг қул бўлсин» дебди-ю, иккинчиси ҳам юзини терс бурибди. Оила аъзолариям бу можарога аралашибди. Бирининг кенжатой ўғилчаси муштчасини дўлайтириб, қўлидаги тошни отибди. Иккинчисининг қизалоғи ёнғоқни ирғитибди. Қарангки, тош, ёнғоқ ҳам ўша талаш ерга келиб тушибди. Шу пайт кимдир уларни чақирибди. Бурилиб қарашса, ҳеч ким йўқмиш. Фақат «Эй, бандаи ғофиллар, сизлар гуноҳи азимга ботдингиз. Айтганингиз келади» деган сас эшитилибди.

Ҳар иккиси йўлига кетибди. Кунлар ўтаверибди. Биринчиси бой-бадавлат бўп кетибди. Лекин ҳеч топганида барака бўлмабди. Бугдойи ларзон-ларзон бош эгиб пишганда, қаердандир гала-гала қушлар келиб, бошоқларини еб кетибди. Иккинчиси ҳашаматли қаср қурибди, анвойи гуллар очилган чаманзор яратибди. Етти иқлимнинг сархил мевали дарахтларини экиб, боғзор барпо этибди. Мевалар ғарқ пишганда бесар шамол барини ер билан битта тўкибди. Энди қасрнинг кунгурасига бир бойўғли келиб бот-бот қўнадиган бўлибди. Хонадонидан файз кетибди. Ўз-ўзидан қаттиқ ер силкингандек бўлибди-ю, қасри қулаб тушибди. Бойўғли энди бемалол харобада яшайверибди.

Яна баҳор яқинлашибди. Уларнинг кўнглида гулғула бошланибди. «Бу йил ҳам яна шундай бўлса-я?» деган ваҳима тушибди.

Қўшнилар бу аҳволнинг сир-синоатини сўраб донишманднинг ҳузурига боришибди. Донишманд: «Яна нима истайсизлар? Ахир айтганларингиз бўлди-ку?» дебди. Улар ҳайрон бўлишибди. Донишманд дебди: «Сизлар ўша ерга бир кафт бугдой сепинг, ёмон кўздан асранг, майса ниш урган ҳамоно янчиб қозонга солиб қайнатинг-лар. Сўнг уни одамларга улашинг». Кун бўйи савоб иш қилинг. Тунда қозоннинг устини ёпиб, шу пайтгача қилган гуноҳларингизни санаб чиқинг. Қайси бири кўп экан? Яна бу дунёда «орттирган»ингиз нималигини ҳам билиб қўйинг?» дебди.

— Ўша куни қанча савоб иш қилиш керак? — сўрашибди бараварига.

Донишманд осмонга ишора қилиб: «Қанча юлдуз санай олсангиз, шунча»— дебди.

Улар кетишибди. Донишманднинг айтганларини қилишибди. Бугдойни ундиришибди. Бировнинг назари тушмабди. Қозонга солиб қайнатишибди, бир даста ўтинни қалаб, куни билан савоб иш қилиш учун қишлоқма-қишлоқ кезишибди.

Тунда қайтишса, ҳалиям ўчоғ тагидаги олов ловуллаб ёниб турганмиш. Улар қозонни ёпиб, гуноҳларини ўйлашибди. Биринчиси сал ўтмай: «Тавба қилдим, тавба, во ажабо, гуноҳим кўп-ку?!» деб юкунибди. Иккинчиси ҳам сасурабди. Улар жимиб қолишибди, бир-бирига қарабди. «Ҳа,—дебди нуроний,— орттирган катта бойлик бу савоб иш, ёр-биродарлик, сиз бу таомни барчага улашинг» дебди-ю, кўздан ғойиб бўлибди.

Сумалак тортилибди. Икки кетмон ерга сепилган бугдой таоми — сумалак бутун қишлоққа етибди. Сумалакдан ўша тош, ёнғоқ чиқибди. Кейин англашса, шу куни тун билан кун тенглашган экан. Сумалак улар излаган ўша энг катта Эзгулик бўлиб қолибди».

Ривоятни тинглаб ҳаммамиз самога боқдик. Юлдуз санай бошладик.

Биз бу ривоятни тинглаганда 13-14 яшарлик болалар эдик. Кўл ёнидаги тепаликка чиқиб Зуҳра опа билан ўша юлдузларни кузата бошладик.

Ўша тун Йилбоши эди. Алламаҳалгача юлдузларни кузатдик. «Ким чарчаган бўлса, майли, уйига бора қолсин», деди муаллимамиз. Ҳеч ким тарқамади. «Зуҳро юлдузи чиқишини кутамиз, Зуҳрони!» дедик чуғурлашиб.

Муаллимамиз: «Шу тунда қилинган ҳамма тилаклар мустажоб бўлади. Кимки Зуҳро юлдузидек эзгу иш қилса, ўша нуронийни учратади, тилагини айтади», деганди.

Неча-неча йилларгача биз ўша каттакон савобни қачон қиларканмиз, қайси эзгу ишимиз Зуҳрога тенг экан, деб болаларча тафаккур билан кутиб юрдик.

Ҳар Наврўз тунида ўша болалик оқшомидаги ривоятни эслаб кетаман. Ўз-ўзимга ҳисоб бергим келади: қанча савоб, қанча гуноҳ қилдим? Баъзан ўзимни ўша савобу гуноҳ орасида яшаган одамдек сезган дамларим ҳам бўлади. Куним тунимдан анча оғир тош босган кезларини эслаб, таскин топгандек бўламан.

Наврўзнинг энг олий анъанаси хаёлимда савобли иш қилишдек эзгу туйғу бўлиб гавдаланаверади. Ҳали кўп ниятларим бор. Ҳали мен Зуҳродек каттакон савоб қилолмагандекман. Самога интиқ, умидвор қараб қўяман. Ҳар сафар у янада ёрқинроқ яшнаётгандек. Аслида у ҳамма юлдуздан менга яқиндек туюлади.

Ҳаётда муаллимам ёзган ўша икки мавзу аслида битта нарса — савоб иш қилиш экан. Биродарлик, аҳиллик, дўстлик, эзгулик, дийдор экан, билсам. Буни мен эндигина чуқурроқ англаб етяпман.

Синф раҳбаримиз бизни олиб борган қишлоғимиз четидаги кўл ҳалиям бор. Тепалик ҳам ўша-ўша. Ҳар Наврўз бутун қишлоқ болалари чиқиб варрак учиради. У пайтлар эса ҳеч ким бормасди. Биз эшитган ўша ривоят ҳам кундузи, синфда очиқ-ойдин айтилмасди. Барибир биз тинглаганмиз, сумалак қалбларга эзгулик бўлиб киришини, бир кафт ўша бугдой ажралмас дўстлик риштаси бўлиб дилларни боғлашини бизга устозимиз айтганди. Зуҳра опа Зуҳродек каттакон савоб қилибди-да, бизнинг тафаккуримизга эзгулик уруғини сепа туриб. Ўзи билмас ҳалигача?

Яна Наврўз келди. Ортимга бурилиб қарайман. Ҳаёт аталмиш бу далли дунёнинг эгри-бугри кўчаларидан савобу гуноҳларимни излайман. Афсус, ҳали Зуҳродек порлаган эзгу ишни қилолмабман, чоғи. Яна ўша ўзимга таниш, нотаниш турмуш сўқмоқларидан юриб кетаман. Келгуси Наврўзни кутаман. Интиқман.

Наврўзи оламнинг шўх нағмалари мени бағрига сингдириб кетади. Ортимда каттакон юлдузим бордир, балки мен илғамагандирман. Уни одамлар илғайди, дўстим кўради...

Саида БОНУ

НАВРЎЗИ ШАРИФ ЎЙЛАРИ

Назар айла бу корги вазъига
Ки ортар тамошосида ҳайратим...

Алишер Навоий.

Наврўзи олам энг мухтасар илмий талқинининг ўзиёқ ҳайрат уйғотиши, анчайин маърифий қониқиш ҳосил қилишига имоним комил. Бордию, бу қадимий қутлуғ каломни чуқурроқ тадқиқ қилиш мақсадида, мантиқий тафаккур сарҳадидан ўтиб, бадиий таҳлилга журъат этадиган бўлсак, чиндан-да ўйга толдирадиган ғаройиб манзара пайдо бўлишига сира шубҳаланманг.

Воажаб... Наврўз — «қуёшнинг ҳамал буржига кириши» янглиғ самовий (моҳиятда илоҳий!) бир ҳодисот — мўъжизий жараён самари эмиш... Буюк ватандошимиз, алал-оқибат аламнок қисмат соҳиби, жафокаш қомусий даҳо Берунийнинг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар», «Масъуд қонунлари» китобларида ана шундай пурмаъно хушхабардан воқиф бўламиз. Бу хусусда машҳур шоир ва риёзиёт олими Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» рисоласи, Рабғузийнинг «Қиссасул-анбиё»си каби илмий-бадиий асарлар ҳам шаҳодат беради.

Эҳтимол, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри»га илова қилинган таржима ва шарҳ-китоблар рўйхати орқали ахборот олганмиз — Юнон ҳакимларидан Батлимус (Пталомей)нинг илми нужумга мансуб «Ал-мажастий» рисоласида бу борада тафсилий талқинот бордир. Эҳтимол, бошқа бир қомусий олимимиз Аҳмад ал-Фаргонийни асосли ўрганиш ҳали бизга насиб этмаган (не тонгки, Оврўпо тилларига ўтган асрлардаёқ таржима қилинган) китобларида бу хусусда кенгроқ мушоҳада юритилгандир...

«Қуёшнинг Ҳамал буржига кириши»дек само буржлари доирасидаги бурилиш нуқтасининг хос қонунияти, бунинг илмий моҳияти, сабабияти асли нимада-ю, хусусан, Ҳамал буржи қадимий тақвимнинг бошқа буржларидан қайси жиҳат, қай аломатлари билан фарқланади? Бундайин «ақл боши айланар» (Навоий) саволларга илмий аниқлик киритувчи жавоб масъулиятини фалакиёт ё риёзиёт фанлари билагонларига ҳавола этиб, бу улуғ фазовий, айни чоғда заминий ҳодисотдан олган ўз таассуротларимизни имконият қадар шарҳ б ўтишга ҳаракат қиламиз.

Бизга маълум илмий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қуёшнинг Ҳамал буржига кириш жараёни икки босқичдан иборат бўлиб, биринчиси — фарвардин (нурафшон ёғдулар) ойининг бошланишида юз беради. Донишманд аждодларимиз уни «Кичик Наврўз» деб номлаганлар. Ойнинг кейинги уч ҳафтаси давомида кузатилган ғаройибот — турфа ўзгаришлар «Катта Наврўз» деб ном олган.

Ана энди нафақат нурафшон, балки дурафшон мўъжизалар ойининг кечаю кундузлари давомида, ҳар бири ўз ҳикмати, ўз сувратию сийрати билан жозиб, зоҳирий қирралари, ботиний сирсиноати билан беназир, бетакрор соат ва дақиқалари ичида беадад коинотда ва курраи заминнинг турли меҳвару минтақаларида юз берадиган ажабтовур ўзгаришларга разм солинг:

— Самовотдан (Арши аъло «Лавҳул маҳфуз»и лавҳаларида нур қалами билан битилган илоҳий қонунларга биноан) янграгувчи Наврўзга хос сирли садо, аксадо тўлқинлари, тебранишлари, хайрбод Йил боши муждалари...

— 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси роса 00 соату 00... сониядақиқалардан эътиборан кеча билан кундузнинг Холиқ қудрати-ла баравларлашуви, бу мислсиз макон ва замон ичида содир бўладиган жараённинг бутун мавжудот хилқатига кўрсатувчи таъсири: олти жиҳат (еру осмон, машриқу мағриб, жануб ва шимол) унсуриётини уйғотиши, жонлантириши...

— Ҳали қуёш уфқ нуқтасига чиқмаган субҳидамдан бошлаб офтоб нурларидан таралган наврўзий рангин жилолар, уларнинг олмос қиррали тажаллиси, еру кўкни фараҳбахш этган ёруғлик раҳматининг жамики жонли-жонсиз мавжудотга кўрсатган нафи-таъсири, ҳарорат баҳралари...

— Холиқу қодир хоҳиши-ла осмондан ёғилгувчи биринчи наврўзий томчилар неъмати, балким, назаргоҳдан яширин, сезилар-сезилмас зарралар файзи, хосияти...

— Бутун наботот вужудига наврўзий илиқлик — оби жавҳар, ҳаёт ва нажот сувининг югуриши...

— Ҳўлу қуруқ — баҳру бар хилқатида макон тутган жамики ҳайвонот, қушу қурт-қумурсқаю ҳашарот жисман кечирадиган ҳам табиий, ҳам ногиҳоний кўзғолиш, наврўзий ўт-ҳарорат, яна аниқроғи, — насл қолдириш тараддуди...

— Чор-атрофдан таралгувчи турфа қушлар нағмасозлиги, товусу кабутару қумрилардай жаннат қушларининг «нафис мажлиси», «никоҳ рақслари», нозик саси, ингичка ун-садолари, сирли чақириқ товушлари...

— Тупроқ таркибида содир бўладиган парчаланиш, турланиш-тусланишлар, улар замиридаги йил боши — наврўзий «тадориклар», кимёвий ўзгаришлар ҳикмати...

— Не ажабки, ер бағрида қормуз қафасини ёриб чиққан бойчечак, бинафша, илк тиниқ-шаффоф яшиллик — сабзакорий поянзозлар таровати. Ҳазрат Навоий наврўзий нафис майсалар бахш этадиган тансиқ нашъани «тараб (шодлик) сўзи» ташбиҳи орқали ифодалайди: **«Чаман саҳифасида сабза демаким, гардун Тараб сўзини яшил хат била савод этадур»...**

— Алал-хусус, бободеҳқон шуурини, тафаккури ва кўнглини ром этган Наврўз олди безовталик ҳолатлари, ҳам аҳли аёли — оиласи, ҳам эл-юрти ғами билан боғлиқ муборак орзулар, ўй-хаёллар мавжи, лаззатли кечинмалар замзамаси...

— Оллоҳнинг улуғ иноятидан бўлмиш Ернинг ҳақиқий волийси, ҳамкору ҳамдасти — соҳиб зироат деҳқоннинг бор-буди — жисму жонини, фикру ёдини банд этган кўкламга ҳозирлик режалари, унинг давоми, беором саъй-ҳаракатлари: турли пайкаллар, ариқ ва жўяклар, зовуру иҳоталар, уруғлик, кўчат, экиш, тикиш ҳозирликлари, бири-биридан тиғиз, ғанимат амалий тадбирлар тизими... Дарвоқе, ҳазрат Навоий «Маҳбубул-қулуб» рисоласида бободеҳқон меҳнати васфида қандайин дил сўзларини баён этганлар: «Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар... Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўйин сунуб оллида равон... Олам маъмурлиги — алардин, олам аҳли масрурлиги — алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат элга ҳам қут еткарур, ҳам баракот. Деҳқонки, тузлуқ била дона сочар, Ҳақ бирига етти юз эшигин очар...»

—Соҳибкор деҳқон-боғбоннинг наврўзий илиқликдан уйғониб, новдалари бўртиб, куртак ота бошлаган сархил мевали боғлар, янги бунёдга келаётган ниҳолзорлар парвариши билан боғлиқ ташвишлари...

— Аёвсиз қишдан эсон-омон чиқиб олган барча жониворлар қатори беихтиёр ҳаракатга тушган чорва молларига дахлдор, кечиктириб бўлмас кўклам юмушлари, фақат деҳқоннинг ўзи биладиган, қатъий бир меъёрга тушириб бўлмайдиган, бедор фидойиликни тақозо этувчи тўзимсиз меҳнат жараёни...

— Асл деҳқони ашраф, аввало, янги хўжалик йилининг қўр-қути, файзу баракоти қайғусида, қоларверса, кенг маънода, юрт хирмони, мамлакат хазинаси, эл-улус ризқ-рўзи, Ватан ва миллат манфаатлари (жумладан, соғлом авлод, унинг истиқболи) ғамида, умуман, одамлар — ҳамюртлар тақдирини, тинч, фаровон турмушини ўйлаб, Наврўз арафасидаёқ кўрсата бошлаган мислсиз ғайрат, ҳиммати, унинг дабдаба ва овозалардан холи, ҳақирона шикаста жасорати...

— Бободеҳқон каби ўз касбини севган, бу насибани илоҳий қисмат деб билган турли ихтисос соҳиби бўлган, турли тоифага мансуб барча яхши ниятли, ҳалолпок инсонлар ўз меҳнатларининг қадрини-роҳатини ҳам яхши биладилар, албатта. Шу маънода, Наврўзи олам фақат янги йил боши — кўклам ташвишлари деган сўз эмас. Демак, уйғониш, янгиланиш ва «ёшариш» фасли — Наврўзни муносиб кутиб олиш ҳозирликлари каттаю кичик — барчага баробар бўлганидек, байрам шодиёналарида имкон қадар фаол иштирок этиш, истаса ўз қобилияти ва маҳоратини кўрсатиш, ватандошларини хушнуд этиш халқимизнинг қадимий миллий анъанасидир...

— Бас, Наврўз айёми барча яхши ниятли, умидли, ҳаётсевар, юртпарвар одамлар кўнглидан чуқур ўрин оладиган самимият, шукроналик туйғулари ифодаси. Айниқса, йил мобайнида ўтган кунлар сарҳисоби, ҳаёт сабоқлари, оқилона ўтит-ҳикматлар фурсати, умрни, бахтни, эзгуликни қадрлаш мезони, шаксшубҳасизки, дунёи боумид, келаси улуғ айёмларга соғ-саломат, бехатар етиш, янги ва ушалмай қолган орзу-мақсадларнинг ушалишига самимий тилакдошлик палласи ҳамдир...

— Наврўзи олам серзавқ, санъатсевар, ижодкор халқимизнинг куй ва рақсларида, алёру гулёрларида, оммавий томоша ва сайлларида қадимдан байрамона тараннум этиб келинишини бутун жаҳон билади. Бунинг ёқин мисолларини бой оғзаки адабиётимизнинг қадимий турларида (жумладан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит-турк» китобида жамланган қўшиқларда) ва замонавий термаларида ҳам, мумтоз адабиётимиз намуналарида ҳам кузатишимиз мумкин. Чунончи, Алишер Навоийнинг лирик куллиёти — «Хазойинул-маъоний»да, «Хамса» достонларида, бошқа бадиий, фалсафий-таълимий, ҳаттоки илмий, тарихий асарларида гоҳ бевосита, гоҳ билвосита Наврўз айёми, баҳор тимсолларини кузатамиз. Улуғ ҳаётсевар, улуғ инсонпарвар шоир барча иймон-эътиқодли, саховатли одамларга қарата: «Ҳар бир тунингиз Лайлатул-қадрдай ўтиб, ҳар бир кунингиз наврўзий шодмонлик келтирсин!» дея тилак билдиради. Шунингдек, биринчи тартиб берган девони «Бадоъеул-бидоя» дебочасидан ўрин олган, не ажабки, улуғ ҳазратнинг болалик чоғлари (7-8 ёшлари)да битилган қуйидаги байтлар ҳам бамисоли Наврўзи шариф мўъжизалари таъсирида туғилгандай:

Ранж кўрмай киши топарму фароғ,
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ.
Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Қурт жондан кечиб, ипак бўлди.
Лола тухмича ғайратинг йўқму,
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?

Ёҳуд:

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфроқни ипак қилур, чечак баргини бол...

Шунингдек:

Қўюб бекорлиқ, фарзона бўлғил,
Илик ур ишгау мардона бўлғил...

Ва яна:

Бировким, жаҳондин керак ком анга,
Эмас яхши бир ерда ором анга...

Буюк жаҳонгиру жаҳонгашта шоир, азалий гўзаллик воласи, айниқса, баҳору ёз айёмлари шайдоси Бобур Мирзо «Бобурнома»да 1504 йилнинг Наврўзи ҳақида (аслида не-не талотумли саргардонликлар билан ўтилган йўллар, манзиллар таассуроти орасида) ёзади: «Ийд намози Гўмол рўдининг ёқасида ўтилди. Наврўз ул ийдга ёвуқ (яқин) келиб эрди, тафовут бир-икки кун эрди, ул тақриб била бу ғазални айтиб эрдим:

Юзи наврўзи васли ийдини,
Бобур, ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз Наврўз байрамлар.

Бобур Мирзодан, балким, ўнларча аср аввалданоқ, сайл-тамоша, байрам сифатида қаршилаш ва эъзозу шукроналик билан кузатиш анъанага айланиб борган (тарихнинг гувоҳлик беришича, Македониялик Искандар Наврўзни ман этишга беҳуда уринган...). Бу улуғ айём Тангри назари тушган замин, қадим Туркистон империя асорати остида қолган эрксизлик замонида миллий истиқлолиятимиз фидойилари Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Тавалло, Фитрат, Қодирий ва Чўлпонларнинг аламли армонига айланган. Буни Абдулҳамид Чўлпон ўша навмидлик, ғам-андуҳ муҳитида ўтган наврўзлар, баҳорлар ҳасрати, соғинчи ҳақидаги шеърларидан бирида шундай ифодалаган эди:

Кўклам ойнинг ипак кўйлак этаклари судралиб,
Қора ернинг бошларини силаб-сийпаб келадир...
Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкарим келсайди,
Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди,
Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!

Шоирнинг орзу қизи — «кўклам ой»ини орзиқиб кутгани умидбахш, руҳафзо муждасидан, сафобахш ва нажоткор ташрифидан баҳравар бўла олмаган, аксарият баҳор умрлари хазон яп-роғидай бемаҳал узилган, барча авлодларга мансуб шаҳидларнинг азиз номлари ҳаққи, Наврўз уларнинг муқаддас хотироти сифатида барҳаёт бир ёднома рамзидир. Айни замонда роса бир ой давом этадиган бу муборак кунларда нафақат табаррук зотларнинг руҳи шарифлари шод қилингуси. Бу ойнинг улуғлиги яна шундаки, яхши кунларга етказгани учун Тангрига шукроналар айтиш, билиб-билмай содир этилган хатоликлар, ғофиллик ва гумроҳликлар учун сидқидилдан тавба-тазарру қилиш, шу тариқа, ёруғ дунёда бирор савоб — кори хайр, ҳиммат, саховат орқали яхши от қолдириш ҳақида ўйлашга даъват этувчи, чинакам меҳр-шавқату мурувват, руҳий таскин, ботиний ҳаловат лаҳзалари ҳамдир...

Ва ниҳоят, табаррук боболардан мерос қадрият — уч минг йиллик улуғ тарихимизга ўзига хос шоҳиди бурҳон, боқий неъматлар, боқий ҳақиқатлар рамзи, ўлмас маънавий ва бадиий анъаналар элчиси бўлган қадрдон Наврўзимиз, эндиликда миллий Истиқлолият шарофати-ла, қаллоб ақидалардан озод бўлиб бораётган янгича тафаккур муҳитида, азиз ҳамюртларнинг эътиқод ва эътимодига куч-қувват, кайфиятига хушнудлик, дилларига равшанлик, руҳиятига мусаффолик, истиқболига ишонч бахш этаётгани шаксшубҳасиздирки, буни жаҳон афкор оммаси аён кўриб турибди...

Марҳабо, Наврўзи шариф! Сенинг қадим-қадимдан уйғониш ва янгиланиш фасли, нафосат ва покланиш айёми, ёруғ умидлару ширин орзу-хаёлларнинг тимсоли мужассами сифатида чин кўнгилдан қутилгувси ташрифинг муборак! Дилбару дурқун мамлакатимиз, тилларда достон озод Ватанимизнинг файзиёб, неъматободу саховатпеша масканларига, заҳматкашу пурбардош, ҳиммат ва жавонмардликда тенги кам одамлари — Яхшилиқ ва Гўзаллик шайдолари ҳузурига хуш келдинг!

Ботирхон АКРАМ,
профессор,
Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг етакчи мутахассиси

«Наврўз — боқий байрам» танловига

1 2 3 4

Менда **таклиф** *бор*

УМАР ХАЙЁМ КАЛОМИ ЗАРУР

Ичкиликбозликка, кашандаликка қарши кураш ҳамма вақт бирдек давом этаверади. Барибир, ҳаётнинг ўзига яраша ёзилмаган «қонуни»дек, спиртли ичимлик истеъмол қилиш ҳам, бурқситиб-бурқситиб папирос тутатишлар ҳам давом этавераркан. Бунга қарши кураш ҳам мудом давом этаверади, албатта. Эътибор берсангиз, папирос қутиларига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Чекиш соғлигингизга зарардир» деган огоҳлантириши ёзилган бўлади.

Шундай тажриба ичкиликбозликка қарши курашда ҳам қўлланилса қандоқ бўларкин? Бундай эзгу ишда улуғ бобокалонимиз Умар Хайёмнинг ўлмас сатрлари зўр дастуриламалдир! Яъни, янги чиқаётган спиртли ичимликлар идишидаги ёрлиққа мумтоз шоирнинг машҳур тўртлигидан қуйидаги сатрларни панд-насиҳат сифатида ўзбек, инглиз, рус ва бошқа тилларда ёзиб қўйилса:

«Эзма, расво бўлма, меъёр билан ич!».

Тўлқин ЭШБЕК

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КЎРСАТМА»ГА КЎНИККАНЛАР»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 19 февралдаги сонида чоп этилган «Кўрсатма»га кўникканлар» сарлавҳали мақолада йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатиш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасидаги айрим муаммолар ёритилган.

Мақолада кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Йўлларнинг, айниқса, автобуслар серқатнов бўлган кўчаларнинг қоníқарсиз аҳволи ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш кераклиги ҳақида Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига тақдимнома киритилди.

Амир Темур шоҳбекати атрофида автобус қатновига ноқулайлик туғдираётган савдо нуқталари эгаларига (6 та) савдо қилишни тақиқлаш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Шоҳбекат атрофида санитария қоидаларига риоя этмай савдо қилаётган дўконлар ҳамда қандолат маҳсулотлари сотаётган лотокларнинг сотувчиларидан 18 кишига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, тегишли чоралар кўрилди. Шунингдек, шоҳбекат яқинидаги савдо шаҳобчаларида санитария аҳволини доимий назорат қилиб бориш учун Ҳамза тумани ички ишлар бўлимининг санитария бўйича взводидан икки нафар милиция ходими ажратилди.

2519-автожамланма маъмуриятига 21-йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсатадиган автобусларнинг техник ҳолатини яхшилаш юзасидан зарур чоралар белгиланиши кераклиги ҳақида кўрсатма берилди.

«Кўрсатма»га кўникканлар» мақоласи бевосита жамоат жойларида хизмат қиладиган саф бўлинмалари ходимлари ўртасида муҳокама қилинди. Бундан ташқари, фуқаролар гавжум жойларда, шоҳбекатларда ва бошқа йўналишларда хизматга жалб қилинган милиция ходимларига фуқароларнинг ҳар қандай мурожаатига эътиборли бўлишлари ҳамда улар билан мулоқотда хушмуомалалик кўрсатишлари зарурлиги кундалик йўриқномаларда таъкидлаб борилмоқда.

Вазир ўринбосари Ш. МАВЛОНОВ

Партия хабарлари

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгашининг XVI пленуми бўлиб ўтди. Унда «ЎзХДП Марказий Кенгашининг XVIII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вилоят партия ташкилотларининг вазифалари» ҳамда уларнинг фаолиятига доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

СИЁСИЙ ЎҚУВ

Янгиариқ туман ҳокими Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг ҳар ҳафтанинг чоршанба кунини «Сиёсий шарҳлов куни» деб белгилаш ҳамда раҳбар ходимларнинг доимий ўқувини ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Бу кунларда тумандаги ёш мутахассислар, раҳбар ходимлар тўпланиб, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари билан яқиндан танишадилар. Мамлакатимиз ва жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши борасида билимларини бойитишади.

Сиёсий ўқувларни ХДП туман кенгашининг биринчи котиби Ибодулла Қўчқоров олиб бормоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Янги замон одами

КЎЗ ОЛДИДА ОСМОН ПАСТ

Қиш чилласида, «Қор остида баҳор шивирлаган» пайтда Оқтов қўйнида бўлдик. Бир ажиб манзара: тоғлар юксаклик нишони. Бағрида боғ-роғларни, минг кўзли зилол булоқларни асрайди. Она табиат қўйнида ястаниб ётган Нурота, Оқтов, Қоратов тизма тоғлари узоқ-узоқлардан ўркачли туяларни эслатади.

— Болалигим шу далалар қўйнида ўтган. Шўх ва шодон ёшлик билан эрта хайрлашганман. Ўрта мактабни тамомлаб, қўл учида оила тебратаётган отамга ёрдам бериш мақсадида бир неча йил чўпонлик қилдим, — дейди ҳамроҳим, ҳуқуқшунос Абдуҳамид Қобилов. — Ҳарбий хизматдан кейин Иштихон туманидаги муаллимлар тайёрлайдиган курсни тамомлаб ўқитувчилик ҳам қилдим. Самарқанд Давлат доирилфунунида таҳсил кўриб, ҳуқуқшунос дипломини олдим. Узоқ йиллардан буён ҳуқуқ-тартибот органларида турли лавозимларда ишлаяпман. Шукрки, оилам билан тинч-тотув ҳаёт кечириб келаяпман, келин туширганман, қиз чиқарганман... Буларнинг барчаси турмуш тарзи, ҳаёт қонуни. Лекин, биласизми, киши ёру дўстларига, оғайниқариндошларига, оиласига кўмаклашиб яшаш билан бирга ўзидан бир эзгулик қолдиришни орзу қилади.

Бу ўйлар, беором ташвишлар кейинги йилларда қалбимни ҳеч тарк этмади. Самарқанд шаҳрида тинчгина яшаб, ишлаб турсам-да, қалбимдаги орзуларни амалга ошириш учун дам олиш кунлари, меҳнат таътилларида қишлоққа, беғубор болалигим ўтган сўлим гўшага қайтдим. Ҳеч ўйлаб ўтирмасдан Оқтов этакларидаги Қовунчи қишлоғи дарасидан ўзлаштирилмай ётган уч гектар лалми ерни кеч кузда ҳайдатиб, эрта баҳорда 300 туп ток, 200 тупдан зиёд ўрик, олма, ёнғоқ, беҳи, шафтоли ўтқаздим.

Биринчи йили баҳор суви сероб бўлди. Ўтқазган ниҳолларим бехато кўкарди. Оралиғига лалми қовун-тарвуз, нўхат экиб яхшигина ҳосил олдим. Боғ ва ҳосилни кўриб кўксим тоғдай кўтарилди. Тезда ихчамгина дала-ҳовли ҳам қуриб олдим. Укаларим кўмакка келди. Энди боғни ҳақиқий боққа айлантириш лозим. Шу боис кеч кузда ва қишда ҳам бир неча бор сув қуйдим, оралиғини ҳайдатдим, ёзда сув бўлмайдида, ахир. Нима қилиш керак? Нима бўлса ҳам боққа тоғдан булоқ сувидан ариқ қазиб ёки қувурлар орқали оби-ҳаёт келтираман. Шунда бу ерда шовуллаган боғ бўлиб, мева-чевасини еганлар раҳмат айтади. Менга шунинг ўзи етади. Халқдан олқиш олиш буюк бахт.

Абдуҳамид ака кўкси тўлиб меҳнат завқидан ғурурланиб юксак тоғ чўққиларига нигоҳини қадайди. Беихтиёр шоирнинг ажиб туйғуларни яширган мисралари нидо беради унинг қалбида:

Муштдек бўлиб пода боқдим,
Чўққиларга гулхан ёқдим,
Ғоҳ ёрилай дедим завқдан,
Дунё юртим — Ўзбекистон.

Яратувчилик, бунёдкорлик — буюк куч. Дилда иштиёқ, орзу бўлса, «Осмон ҳам кўз олдида паст». Шаҳарда ишлаб, яшаб, бир ширин орзу туфайли катта боғ яратган инсонга ҳавасим келди. Аслида яратувчиликда, инсонийликда ҳикмат, сир-саноат кўп-а! Қани эди, бугун мустақил юртимизнинг алпкелбат, алпомишсифат ўғлонлари шундай сўлим табиатли, дилбар диёримизни гуллаб-яшнатиш йўлида юқоридагидек ибратли хайркорликларга қўшилсалар, айни муддао бўларди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
Қўшработ тумани.

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЯНГИ ЙИЛИ

«Зара хатми» Хитойнинг Қашқар вилоятида яшайдиган уйғур халқининг энг қадимий миллий байрами ҳисобланади. Бу байрам Наврўз айёмига тўғри келади. Яъни «Зара хатми» – Янги йил демакдир. Шу куни одамлар яйлов, қир-адирларда оммавий сайил ўтказадилар. Янги йилда тўпланган эҳсон пулларига қўй, қорамол олиниб, қурбонлик қилинади, дошқозонларда ош дамланиб, ҳалим тайёрланади.

Эрта тонгданоқ ноғора, карнай-сурнайлар халқни сайилга чорлайди. Дорбозлар ўйини, масхарабозлик, аскиябозликлар бошланиб кетади. Ҳофизлар қашқар мақомларидан хониш этади. Спортнинг миллий турлари мусобақаси ўтказилади. Савдогарлар энг ноёб, энг яхши маҳсулотларини тижорат расталарига ёйиб ташлайди.

«Зара хатми»нинг ўзига хос диний маросимлари ҳам бор. Тақвадорлар тонгдан шомгача ибодат қиладилар. Қизиғи шундаки, «Суст хотин» сингари ёмғир тилаш маросими ўтказилади, дуолар ўқилиб зикр тушилади.

«Зара хатми» шодиёналари ўтаётган пайтда шаррос ёмғир қуйса, одамлар янада қувонишади. Чунки, ёмғир ўзи билан шу юртга қут-барака ёғдиради, деган ақидага халқ қаттиқ эътиқод қилади. Ҳеч ким сайилгоҳни ташлаб кетмайди, одатлари бўйича байрам кун ботгунча давом этаверади. Шу куни уйғурлар етимесирлар, бева-бечоралар, ночорлар, касалманд, ёши улуғ кексалар ҳолидан хабар олиб, хайрия ёрдамларини аямайдилар.

Ҳиндистонда ҳам баҳор байрамларга тўлиқ. Ҳиндлар ҳам тамиатнинг яшариш, янгиланиш фаслини ажиб шод-хуррамлик билан кутиб олади. «Дивали», «Холи», «Дашера» деб аталадиган ўзига хос миллий байрамлар неча минг йиллардан буён нишонланади. Ҳиндлар эрта тонгданоқ кўчаларга чиқадилар, каттаю кичик қувноқ мусиқа, шўх рақслар остида ранг-баранг бўёқ кукунларини бир-бирига сепиб хурсандчилик қиладилар. Классик рақслар, театрлашган саҳналар, фил ва от ўйинларига катта аҳамият берилади. Аввалар эса дид билан уй безайдилар, тотли таомлар, ширинликлар тайёрлаб байрамона дастурхон тузайдилар. Уйлари пештоқларига чироқлар, машъалалар ёқадилар. Қадимий одатга кўра ака-укалар, опа-сингиллар, яқинлар ўзаро жигарлик рамзи сифатида бир-бирларининг пешонасига қизил рангда хол қўядилар.

Ҳиндистонликлар, ўз эътиқодларига кўра, турли хил маъбудалар, ҳайкал, дарё ва ҳайвонларга сиғиниб, янги йилнинг қутлуғ келишини, баракали ҳосил йили бўлишини тилаб ибодат қилишади.

Кўриниб турибдики, Шарқ халқлари баҳорни эзгу ниятлар билан қарши оладилар. Қадимий қадриятларимиздан Наврўзни биз беадад шодлик, умид, эзгулик рамзи дея қарши олсак, бошқа шарқ халқлари ҳам ,баҳор байрамини ўзига хос миллий анъана сифатида кенг нишонлайди. Зотан, шарқ халқлари мазмунан бир, шаклан турлича кутиб олинадиган Йилбошини орзиқиб кутадилар.

Умида МАНСУРОВА

PINAR

Ўзбекистон халқини умумхалқ байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

муносабати билан қизғин муборакбод этади.
Қутлуғ байрам кунлари ўзбек халқини табриклар эканмиз,
юртимизнинг ҳар бир гўшасида, оиласида тинчлик,
фаровонлик, қут-барака бўлишини тилаймиз.

PINAR — Ҳаёт булоғи.

«ЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ» УЮШМАСИ

Ўзбекистон халқини кириб келаётган
НАВРЎЗ айёми билан чин дилдан муборакбод этади!
Тизимимизнинг барча ташкилотлари мамлакатимизда кенг миқёсда олиб борилаётган ижобий силжишларга муносиб улуш қўшаверади. Хорижий шерикларимиз ҳамкорлигида ҳамда ўз ички имкониятларимиз билан ишлаб чиқаришни ривожлантираверамиз. Маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.
Маълумки, бу йил Оила йили деб эълон қилинган. Истагимиз, бу йил мамлакатимизда кўплаб янги тўйлар бўлсин!
Уюшмамиз корхоналари ишлаб чиқараётган барча турдаги маҳсулотлар фаровон турмуш тарзимизни, дастурхонлар тўкинлигини белгилайди!

«ЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ» уюшмаси.

BUSINESS COMPLEX

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ МАҲКАМАСИ

ПОЙТАХТ БИЗНЕС МАЖМУАСИ

Ўзбекистон халқини

НАВРЎЗ *байрами билан муборакбод этиб, бахт-саодат ва равнақ тилайди.*

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 2-11-49;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ислом ҲАМРО, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 36.136 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01046

Босишга топшириш вакти — 21.00. Топширилди 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ART
АРТ ЛТД Ко — қўшма корхонаси
ART LTD Co — joint venture

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

«АРТ ЛТД Ко»

қўшма корхонаси жамоаси

дини ва дили туташ, қондош ва жондош ўзбек халқини, қолаверса, шу азиз ватанда яшаётган барча миллат ва элат вакилларини яшнаш ва ёшариш, поклик ва софлик байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

айёми билан чин дилдан муборакбод этади.
Барча-барчангизга соғлиқ-омонлик, узоқ умр, Оила йилида оилавий бахт кулиб боқишини тилаб қоламиз!

Бугун баробардир Кеча ва Кундуз —
Олам меҳварида қуёш барқарор.
Жанубий ярим шар қучоғида Куз,
Шимолий ярим шар бағрида Баҳор.

Хуш келдинг, Наврўзим, Ўзбекистонга,
Хуш кўрдик мойчечак, бодом гуллари
Истиқлол юз очган ота маконга
Анбарлар ташийди тоза еллари.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарҳод» ярмаркаси, 36-дўкон. Тел: 76-60-85, 75-66-42.

«ФАЙЗ-БАРАКА» MML

масъулияти чекланган жамият

НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Наврўз шарофати бир паллаки, у шукуҳи ва нашидаси ила барча одамзотга ва бутун оламга янгидан куч-қудрат — ҳаёт бахш этади.

Наврўз байрами юрт дастурхони тўкинлигидан, мамлакат ободлигидан ва она-Ватан тинчлигидан нишонадир.

«ФАЙЗ-БАРАКА»
хусусий корхонаси жамоаси бутун ўзбек халқини чин қалбдан табриклайди.

Оила йилида ҳар бир кунингиз Наврўз янглиғ азиз ва шодон бўлсин!



Мухлисахон АКРАМОВА,
«ФАЙЗ-БАРАКА» хусусий корхонаси бош директори.



Шу йил 26 март кундуз соат 15.00 да Беш-ёғоч даҳаси Байналмилал Миллий Марказнинг санъат саройида

«Наврўз» байрамига бағишланган катта мушоира бўлади

Биродар ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, уйғур ва рус шоирлари-ю оқинлари ўзаро беллашадилар. Раққоса ва хонандалар ўз санъатларини намойиш этадилар. Ғолибларга совринлар топширилади.

Мушоирага марҳамат!

Марказий Осиё Ассамблеяси.
Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси.
Миллий Марказ.

ЎЗ ДАРВОЗАСИГА-Я... *Футбол*

Ўзбекистон футболининг таянчи ҳисобланган олий лига жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионати бошланди. Минглаб ишқибозлар эса оромларини йўқотиб, ўзлари меҳр қўйган жамоаларга қуйинчаклик қилаверадилар. Зеро, ғалабадан кейин кайфиятнинг кўтарилиши ишимизга қанчалик барака ато этса, мағлубият аламидан кўнгилларнинг сув ичмаслиги ўзига хос дардга айланади, деяверинг. Албатта, мавсум бошидаёқ кутилмаган тасодифлар бўлмаслиги аён. Шунга қарамай, мухлислар дастлабки учрашувларга катта умид боғлайдилар. Мақсад — ҳар бир жамоанинг мавсумга қай даражада шайланганлигининг амалдаги намойишини кўриш.

Биринчи тур ўйинларида йирик ҳисоблар қайд қилинмади. 8 учрашувдан энг қизиқарлиси Наманганда бўлиши кутилганди. «Навбаҳор» билан пахтакорчилар ўртасидаги учрашувда дарвозага киритилган ягона тўп мезбонларга ғалаба келтирди.

«Сўғдиёна» — «Андижон» ҳамда «Хоразм» — «Трактор» учрашувларида ҳам биргина тўп ютуқ келтирди. Тракторчи Абдуганиев сўнгги дақиқада дарвозани нишонга олиб, жамоасини ғалаба билан таъминлади. «Зарафшон» — «Насаф» ўйинида ҳисоб очилмади. «Сурхон»— «Нефтчи» — 0:3. «Металлург» майдонида меҳмон бўлган «Дўстлик» футболчилари ғалабага эришишди. Учрашувнинг 26-дақиқасида мезбонлардан Павел Жалилов ўз дарвозасига тўп йўллади. «Бухоро» — «Темирйўлчи» учрашувида эса меҳмонлардан Дурбек Мирзабоев ҳам адашиб, ўз дарвозасига тўп киритиш билан жамоадошларини ноқулай аҳволда қолдирди.

Ўйлаймизки, якшанба ва душанба кунлари ўтказиладиган навбатдаги тур учрашувлари янада қизиқарли ва муросасиз бўлади.

Самарқанд шаҳридаги ҳарбий лицей томонидан 1988 йилда Бойзоқ Абдуқодирович ЖИЯНОВ номига берилган N 503914 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

(Газетамизнинг навбатдаги сони 22 март — якшанба куни чиқади).

МУНОСИБ УЛУШ

Наврўз байрами олдидан турли жойларда ўтказилаётган тантаналар барчанинг қалбида баҳорий туйғуларни жўш урдираётгани сир эмас. Турли меҳнат жамоаларида ўтказилаётган ранг-баранг тадбирларнинг аслида мазмун-моҳияти битта—баҳор, янгиланиш! Қибрай туманидаги «ТошДТЭС қурилиш» ташкилоти жамоаси, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси буюртмасига биноан, пойтахтимиздаги Бобур номли боғни жаҳон андозаларига мос равишда қайта таъмирлаш ишларига муносиб улуш қўшмоқда. Жамоа томонидан боғдаги мавжуд 11 объектнинг барчасида қурилиш ишлари қизғин. «Автодром», «Клублар мажмуи», «Теннис кошонаси», «Сув ҳавзаси» янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири